

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017 йил 02.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ**

РАҲИМЖОНОВ МАСРУР НЎЪМОНОВИЧ

ЎЗБЕК МУМТОЗ ЛИРИКАСИДА МАРСИЯ ЖАНРИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Рахимжонов Масрур Нўъмонович

Ўзбек мумтоз лирикасида марсия жанри.....3

Рахимжанов Масрур Нугманович

Жанр марсии в узбекской классической лирике.....25

Rahimjanov Masrur Nugmanovich

Genre of the Marcia in the Uzbek classic lyrics.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....49

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017 йил 02.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ**

РАҲИМЖОНОВ МАСРУР НЎЪМОНОВИЧ

ЎЗБЕК МУМТОЗ ЛИРИКАСИДА МАРСИЯ ЖАНРИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида №В2018.3.PhD/Fil.536 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samdu.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Ҳасанов Саидбек Рустамович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Салоҳий Дилором Исомиддин қизи
филология фанлари доктори, профессор

Тухлиев Боқижон
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети Бош биноси, 1-қават, анжуманлар зали (105-хона).

Диссертация билан Самарқанд Давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “___” _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

М.Қ.Муҳиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

А.Б.Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

А.Э.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф.д

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё халқларининг марсия жанрлари, элегия ва эпитафия ҳақидаги қарашларини умумлаштириш, марсиянинг поэтик тафаккур тадрижида тутган ўрни ва ролини белгилаш, марсияларнинг халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётдаги бадиий-эстетик моҳияти, поэтик табиати ва вазифаларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Марсияларда дунё халқларининг тарихий хотираси яшайди. Уларда халқнинг ҳаёт ва ўлим, фано ва бақо, борлиқ ва йўқлик, эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги тафаккур маданияти намоён бўлади. Марсиялар билан боғлиқ қарашларнинг бадиий талқинига хос хусусиятларини бадиий-эстетик омилларини аниқлаш, қадимги даврлардан оқ халқ ҳаётини, воқеа-ҳодисалар мазмунини лирик жанрлар ва шеърӣй шаклларда ифодаланиб келишини далиллар орқали изоҳлаш мавзуни долзарблигини белгилайди.

Жаҳон адабиётшунослигида янги адабий-эстетик тамойилларнинг изчил такомиллашуви натижасида бадиий тафаккурнинг тадрижий ривожини билан боғлиқ илмий концепциялар юзага келмоқда. Марсия жанри, унинг тарихий такомил босқичларида намоён бўлган хилма-хил шакллари мангу мунгли хотираларни мужассамлаштирганлиги билан эътиборлидир. Марсия, элегия-эпитафияни илмий жиҳатдан текшириш, унинг бадиий жиҳатдан ўзига хос хусусиятларини асослаш, ёзма адабий обидалар илдизи халқ оғзаки ижодига, қадимги битигларга бориб боғланишини ўрганиш, унинг бадиий жиҳатдан ўзига хос хусусиятларини асослаш, юзага келиш омиллари, ривожланиш жараёнлари, типологик хусусиятлари билан боғлиқ муаммоларни бугунги кун талаблари асосида тадқиқ этиш ҳам адабиётшунослик фани олдида ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.

Мустақиллик йилларида миллий адабиётимизни холис ўрганиш, юксак бадиий мезонлари асосида текширишга кенг йўл очилганлиги ўзбек мумтоз лирика шакллари орасида алоҳида мавқе тутувчи марсияларни ҳам дунё адабиётшунослиги ўлчовларига мос равишда илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этишга катта замин яратди. Тарихий ҳақиқат ва бадиий-эстетиканинг уйғунлиги масаласини ўрганиш, юзага келиш омиллари, ривожланиш жараёнлари билан боғлиқ муаммоларни бугунги кун талаблари асосида тадқиқ этиш ўзбек мумтоз адабиётшунослик фани олдида ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Таъкидланганидек, “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор... Ҳавас қилса арзийдиган бекиёс бойликларимиз бор”.¹ Бинобарин, марсиялар – халқ хотирасини ўзида мужассамлаштирган миллий-башарӣй кадриятларнинг ям-яшил дарахтларидир. Марсия жанри ва унинг хилма-хил шеърӣй шакллари яхлит мужассамлашган ҳолда тарихий хотира боғини ташкил этади. Ўзбек

¹ Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. “Халқ сўзи”. 2017 йил 4 август.

адабиётшунослигида марсия жанрининг пайдо бўлиши, шаклланиши, такомили ва шаклий-поэтик хусусиятларини монографик йўсинда умумлаштирувчи тадқиқот ҳали яратилмаганлиги мазкур тадқиқот учун танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда 2018 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси талабларига мос равишда фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти ҳам муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Лирика жанрларининг тарихий тақдири, бир-бирига таъсири ва боғлиқлиги, улар ўртасидаги алоқадорлик, ўзаро диффузияланиш ҳодисаси, шакл ва мазмун уйғунлиги, поэтик ифода усуллари ва шакллари, шоирларнинг бадиий маҳорати сингари масалалар адабиётшунослик илмининг доимий диққат марказидадир. Ўзбек мумтоз адабиёти, шу жумладан, шеърятининг тарихи ва назариясини ўрганиш борасида салмоқли самараларга эришилди. В.Абдуллаев, А.Абдуғафуров, Б.Валихўжаев, В.Зоҳидов, Ё.Исҳоқов, Ғ.Каримов, Р.Мажидий, Н.Маллаев, М.Муҳиддинов, Р.Муқимов, Н.Раҳмонов, Ҳ.Расулов, Д.Салоҳий, Қ.Содиқов, Ҳ.Сулаймонов, И.Султонов, Ҳ.Умуров, М.Шайхзода, А.Қаюмов, Ҳ.Кудратиллаев, А.Ҳайитметов, И.Ҳаққулов, С.Ғаниева, С.Ҳасанов, А.Эркинов, Ҳ.Ҳомидий ва бошқа мунавварларнинг тадқиқотлари, олий ўқув юртлари учун адабиёт тарихи дарсликлари, беш жилдлик адабиёт тарихи яратилди. Уларда мумтоз адабиётимиз жанрлари маълум даражада ёритилди. Хусусан, ғазал², рубой³, фард⁴, маснавий⁵, туюқ⁶, мусаммат⁷, қасида⁸ ва ҳ.к.

² Мақсуд Шайхзода. Ғазал мулкининг султони. Олти томлик асарлар. IV том, – Тошкент: 1972. – Б.195-294; Маллаев Н. Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожиди Навоийнинг роли. “Навоийга армуғон” ТошДПИ тўплами. - Тошкент: Фан, 1968; Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. – Тошкент: 1972. – Б.136; Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусамман. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.126 ва ҳ.к.

³ Исҳоқов Ё. Навоий ижодида рубой жанри. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1968. №9; Юнусов М. Классик ва ҳозирги замон поэзиясида рубой. “Барҳаёт анъаналар” тўплам. – Тошкент: 1969; Ҳаққулов И. Ўзбек классик адабиётида рубой. – Тошкент: 1981 ва ҳ.к.

⁴ Ойматова М.А. Ўзбек адабиётида фард жанри поэтикаси ва тарихи: филол. фан. номз....дисс. - Тошкент, 1999.–24 б.

лирика жанрларига бағишланган номзодлик диссертациялари ёзилди. Адабиётшунос Р.Орзибеков қитъа, рубоий, туюқ, фард, таърих, муаммо, чистон, мувашшаҳ сингари жанрларни тадқиқ этиб, алоҳида китоб⁹ ва докторлик¹⁰ диссертациясини яратди. О.Носиров, С.Жамолов, М.Зиёвиддиновларнинг “Ўзбек классик шеърляти жанрлари”¹¹ қўлланмасида ғазал, мустаод, мусаммат, марсия, қитъа, туюқ, фард, маснавий, нома, мунозара, таърих, таржибанд, таркиббанд, муаммо, чистон, соқийнома, қасида, рубоий сингари лирика жанрларининг ўзига хос хусусиятлари, устувор белгилари ўрганилган, таъриф берилган.

Жаҳон адабиётшунослигида маълумки, ўлим-йўқотиш, айрилиқ муносабати билан халқ оғзаки ижодида йиғилар, йиғи-йўқловлар, Шарқ ёзма адабиётида марсия, фироқия, ёднома, Ғарб адабиётида эса элегия, эпитафия сингари лирика жанрлари мавжуд.

“Марсия” термини ва тушунчаси бадий-эстетик вазифасига кўра, қадимги туркий адабиётга ислом маданияти билан бирга кириб келди. Илмий адабиётлардан маълумки, “Марсия (مرثيه) арабча риса (رثه) сўздан олинган бўлиб, йиғламоқ, аза тутмоқ, қайғурмоқ маъноларини билдиради. Шеърлий терминологияда эса вафот этган бирор шахс сифатларини таърифловчи, уни мақтовчи, унга бўлган шоир муносабатини ифодаловчи, лирик қаҳрамоннинг қайғу-ҳасратларини тасвирловчи асардир.”¹² Н.Раҳмоновнинг монографиялари ҳамда туркум мақолалари¹³, Қ.Содиқовнинг монографик тадқиқотлари¹⁴ қадимги аждодларимизнинг дини ва ёзуви, тарихидан воқиф этади. Монографиянинг “Ўрхун битигтоши”, “Кул Тигин битигтоши”, “Билга Қоон битигтоши” фаслларида қадимги туркийларнинг давлат тизими, сиёсий, маънавий-интеллектуал ҳаёти, турмуш тарзи ёритилади.

Кўринадикки, лирик жанрлар ҳамда шеърлий шаклларнинг юзага келиши, такомилли, бадиияти, бир-бирини бойитишдаги ўзаро таъсири ва акс таъсирланиш масалалари адабиётшунослигимизда анча кенг таҳлил этилган. Марсия жанрининг ёзма туркий адабиётда пайдо бўлиши, илдизлари халқ оғзаки ижодидаги йиғиларга, йиғи-йўқловларга, ёзма адабиётдаги битигларга

⁵ Пиримқулов А. Оғаҳий маснавийлари: Филол. фан. номз. ...дисс. - Тошкент, 1998. - 24 б.

⁶ Багиров А. Ўзбек адабиётида туюқ: Филол. фан. номз. ...дисс. - Тошкент, 1981. - 24 б.

⁷ Раҳмонов Ш. Мусаммат, его становление и развитие: Дисс...канд. филол. наук. - Душанбе, 1987. - С.22.

⁸ Тоиров У. Касыда в персидско-таджикской классической литературе (IX–первой половина XI века). Дисс...канд. филол. наук. - Душанбе, 1990. - 20 с.

⁹ Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. - Тошкент: 1976. - 168 б.

¹⁰ Орзибеков Р. Поэтика и пути развития лирических жанров узбекской классической поэзии. Дисс. ...д-ра. филол. наук. - Тошкент. 1983. - 56 б.

¹¹ Носиров О., Жамолов С., Зиёвиддинов М. Ўзбек классик шеърляти жанрлари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1979. - 184 б.

¹² Носиров О., Жамолов С., Зиёвиддинов М. Ўзбек классик шеърляти жанрлари. - Тошкент: 1979. - 144 б.

¹³ Раҳмонов Н. Турк ҳоконлиги. - Тошкент: Мерос. 1993. - 144 б.; Рухиятдаги нур муроди. Тошкент: Мерос, 2002. - Б.128; шу муаллиф. Битиглар шаҳодати. // Мулоқот. - Тошкент, 1991. - №5. - Б.41-50; шу муаллиф. Мен буддман, мен қутқарувчиман. // Мулоқот. - Тошкент, 1991. - №12. - Б.63-67 ва ҳ.к.

¹⁴ Содиқов Қ. Кўк турк битиглари: Матн ва унинг тарихий талқини. - Тошкент: 2004. - 144 б.; шу муаллиф. Эски туркий битиглар. - Тошкент: 2009. - 168 б.

бориб боғланиши, шакллари, бадий хусусиятлари ва тарихий фактнинг қўлланилиши жиҳатидан ўрганилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида Давлат илмий-техника дастури доирасида 2012-2017 йилларда бажарилган Ф 1 – ФА – 055746-сонли “Марказий Осиё халқлари қўлзма ёдгорликларини тадқиқ этиш. Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари архивининг илмий тавсифи ва нашр қилиш” мавзуидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек мумтоз шеъриятида марсия жанрининг пайдо бўлиши, унинг халқ оғзаки ижодидаги йиғиларга, йиғи-йўқловларга, ёзма адабиётдаги битигларга боғлиқлиги, генезиси, битигларнинг ўзига хос хусусияти ва шаклий-поэтик ифодасини илмий асосда ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қадимги туркийлар шеъриятидаги марсиянинг илк шакллари (айрилик, фироқ)ни ўрганиш;

тош битигларнинг ўзига хос хусусиятини белгилаш, йиғи-йўқловларга алоқадорлиги масаласини ёритиш;

марсиянинг илк кўриниши – ўлган қаҳрамон нутқида ифодаланиш шаклини тасниф қилиш;

марсиянинг ўлган қаҳрамонга халқ йиғисининг ифодаланиш шакли (Алп Эр Тўнга марсияси) табиатини очиб бериш;

йиғи-йўқловларнинг мавзу доираси (ота, она, ўғил, қиз, келин, халқ қаҳрамони ва бошқаларга бағишланганлиги)ни текшириш, бадииятини тадқиқ этиш;

марсиянинг ранг-баранг шеърий шаклларда ифодаланишини кузатиш;

таркиббанд-марсия, ғазал-марсия, мусамман-марсияларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш;

марсиянинг шеърий шаклларини илмий-назарий жиҳатдан умумлаштириш, мумтоз лирикамик жанрлари тизимидаги ўрни ва аҳамиятини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қадимги туркийлар шеърияти (VI – VIII асрлар) тош битиглардаги айрилик, фироқлар, халқ шеъриятидаги йиғилар, йиғи-йўқловлар, “Девони луғатит турк”даги Алп-Эр Тўнга марсияси, Алишер Навоийнинг Абдурахмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер вафотига бағишлаб ёзган марсиялари, Роқим, Нодира, Кулфат, Ҳазиний, Ҳилватийларнинг таркиббанд-марсия, ғазал-марсия, мусамман-марсиялари танланган.

Тадқиқотнинг предметини қадимги тош битиглар (VI – VIII асрлар) дан XIX аср охирларигача ўзбек мумтоз лирикасида яратилган марсияга мансуб шеърлар, халқ шеъриятидаги йиғилар, йиғи-йўқловлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, тарихий-қиёсий, контекстуал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қадимги туркий шеъриятдаги битиглар, Алп-Эр Тўнгага бағишланган марсиялар кўхна даврларда кечган аждодларимизнинг ҳаёти ва маънавий маданиятини ўзида мужассамлаштирган башарий қадрият сифатидаги ижтимоий-эстетик аҳамияти асосланган;

тош битигларнинг бадиий хусусиятлари, айрилиқ, фироқларнинг ўзига хос белгилари, Алп Эр Тўнга марсиясининг специфик хусусиятлари очиб берилган;

Ўрхун-Энасой битиглари, “Девону луғотит турк”даги Алп Эр Тўнга марсиялари қадимги туркий халқлар маънавий-интеллектуал маданиятини, бадиий-эстетик тафаккур тарзини ўрганишда, илмий-танқидий матнини тайёрлашда ишончли манбалар эканлиги асосланган;

марсиянинг таркиббанд-марсия, ғазал-марсия, мусамман-марсия каби ифода кўринишларининг ўзбек мумтоз лирикаси жанрлари ва поэтик шакллар системасидаги муҳим ўрни ва аҳамияти аниқланган;

тош битигларнинг йиғиларга алоқадорлиги масаласи, марсиянинг ўлган қаҳрамон нутқида ифодаланишдек илк шакли, йиғи-йўқловларнинг мавзу доираси, бадиияти (ота, она, ўғил, қиз, келин, халқ қаҳрамонига бағишланган) таҳлиллар асосида далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тадқиқотнинг объекти бўлган марсия жанрининг пайдо бўлиши, шаклий-поэтик ифодаси қадимги давр шеърияти намуналари – тош битиглар билан боғлиқ тадқиқотлар ва методик ишлар яратилишига қўл келиши далиланган;

Ўрхун-Энасой битигларининг илдизи, “Девону луғотит турк”даги Алп Эр Тўнга марсиясининг генезиси халқ шеъриятидаги йиғиларга, йиғи-йўқловларга боғлиқлиги таҳлил этилиб, битигларнинг ўзига хос белгилари, марсиянинг таркиббанд-марсия, ғазал-марсия, мусамман-марсия сингари ифода кўринишларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ мавзуларни ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам бериш асосланган;

тадқиқ этилган манбалар келгусида адабиётшунослик ва ўзбек мумтоз лирикаси жанрлари бўйича илмий тадқиқотлар, дарслик ва қўлланмалар яратиш учун бой манба бўлиб хизмат қилиши очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган бадиий манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий фикр ва хулосалар қиёсий-типологик, психологик таҳлил методлари воситасида чиқарилгани, назарий қараш ва илмий хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, марсия жанрини чуқур ва атрофлича очиб беришда интернет сайтларидаги маълумотлар, адабиёт назариясига оид Европа ва жаҳон адабиётшунослари

томонидан яратилган изоҳли луғатлардан фойдаланиб илмий натижа ва хулосалар чиқарилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар, аввало, ўзбек мумтоз лирика жанрини бойитишга хизмат қилади. Шу билан бирга, диссертацияда қадимги давр тош битигларидаги марсия намуналари (айрилик, фироқ)нинг дастлабки шакллари илк бор монографик йўсинда ўрганилганлиги, тош битигларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилганлиги, халқ шеъриятидаги йиғи-йўқловларга боғлиқлиги масаласи илмий умумлаштирилгани муҳим назарий аҳамиятга эга. Марсиянинг илк шакли – ўлган қаҳрамон нутқида акс этиши, ўлган қаҳрамонга халқ йиғисининг ифодаланиш тарзи марсия жанри имкониятларини бойитганлиги назарий асосланган. Чиқарилган назарий хулосалар нафақат ўзбек, шунингдек, туркий халқлар адабиётшунослигида марсиянинг қадимги туркийлар шеъриятидаги илк намуналари, тош битиглар, айрилик ва фироқларнинг поэтик табиати, йиғи-йўқловларнинг, мумтоз шеърий шакллар (таркиббанд-марсия, ғазал-марсия, мусамман-марсия)нинг мазмун-моҳияти юзасидан мавжуд маълумотларни кенгайтиради, тўлдиради. Марсия жанрининг генезиси, тарихий такомилли, ифода шаклларининг бадиияти, ўзбек адабиётида тугган ўрни ҳақидаги қарашлар ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси фанларининг ривожига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундаги хулоса ва тавсиялардан ўзбек мумтоз адабиётида лирика жанрлари тарихи ва назариясини яратишда, шунингдек олий ўқув юртлари учун дарслик ва қўлланмалар яратиш, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун махсус курслар ўқиш, БМИ ва курс ишларини тайёрлашда, ихтисослик фанларини ўқитишда, ўзбек мумтоз шеъриятини ўқитиш жараёнида илмий манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек мумтоз лирикасида марсия жанри ва унинг ифода шакллари илмий-назарий умумлаштириш асосида:

қадимги туркий шеъриятдаги марсия намуналарида айрилик, фироқлар, халқ шеъриятидаги йиғилар ва йиғи-йўқловлар таҳлилига доир хулосалардан 2007-2011 йилларда бажарилган ОТ-Ф8-027-сонли “Қўлёзма манбаларнинг миллий маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 25 ноябрдаги 89-003-4522-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши марсия жанрининг мазмун-моҳияти, ижодкорнинг адабий орзу-истаклари ва уларнинг бадиияти юзасидан аниқ хулосалар чиқаришга имкон берган, такомиллашувига ёрдам қилган;

Ўрхун-Энасой битиглари, “Девону луғотит турк”даги Алп Эр Тўнга марсиялари қадимги туркий халқлар маънавий-интеллектуал маданиятини, бадиий-эстетик тафаккур тарзини ўрганишга оид хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат марказида илмий-амалий тадбирлар лойиҳаларида

фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 7 октябрдаги 01/07-1340-сон маълумотномаси). Натижада буюк мутафаккирлар Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Роқим, Нодира, Кулфат, Ҳазиний, Ҳилватийлар фаолияти бўйича ташкил этилаётган тадбирлар илмий-назарий фикрлар билан бойитилган;

тадқиқотда “Девони луғатит турк”даги Алп-Эр Тўнга марсияси, Алишер Навоийнинг Абдурахмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер вафотига бағишлаб ёзган марсияси каби Ўзбекистон ҳудудидаги ислом цивилизациясига оид номоддий ёдгорликларни тадқиқ этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ислом цивилизацияси марказининг 2019 йил 25 ноябрдаги 466/19-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари бўйича “Девони луғатит турк”даги Алп-Эр Тўнга марсияси, Алишер Навоийнинг Абдурахмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер вафотига бағишлаб ёзган марсиялари, Роқим, Нодира, Кулфат, Ҳазиний, Ҳилватийларнинг таркиббанд-марсия, ғазал-марсия, мусамман-марсиялари бўйича тайёрланган рисола Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази кутубхонасига топширилган;

тадқиқотнинг умумий илмий-назарий хулосаларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Тошкент” телеканалда эфирга узатилган “Тошкент вақти”, “Китобхон” кўрсатувлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Тошкент” телеканалининг 2018 йил 14 майдаги 02.02.300-сон маълумотномаси). Натижада, Алишер Навоий, Нодира, Увайсий, Ҳазиний каби ўзбек мумтоз шоирлари ижодига бағишланган қатор кўрсатув ва эшиттиришлар савиясини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан жами 15 та илмий мақола эълон қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси PhD томонидан фалсафа доктори диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 145 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари тараққиётнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот

натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби **“Қадимги туркийлар шеъриятида марсиянинг илк ифода шакллари”** деб номланади ва икки фаслни ўз ичига олади. Бобнинг биринчи фасли **“Битигларнинг бадий хусусияти”** деб номланади. Маълумки, марсиянинг генезиси, тош битиглардаги илк шакллари айрилик, фироқнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинган.

“Битиг – бу 1. китоб, хат, ёзув, хужжат; 2. ёзув жараёни; 3. дастхат; 4. тумор, кўзмунчоқ, тилсим”¹⁵, дея таъриф берилади “Қадимги туркий луғат”да. “Навой асарлари луғати”да ҳам битигнинг ёзув билан боғлиқ маъно қирралари таъкидланади: “Битиг – мактуб, хат, ёзув”¹⁶. А.Квятковскийнинг “Шеърий терминлар луғати”да эса битигга анча муфассал таъриф берилган: “битиг – 1. Қадимги Миср, Вавилония, Эрон, Греция ва ҳ.к. ўлкалардаги адабий ёдномаларнинг бир тури. Битиглар – ибодатхона ва қасрларнинг деворларига, қояларга, даҳма, сағаналарнинг тош тахталарига ўйиб ёзилган ёдномалардир. 2. Кичик шеърий жанрлардан бири. Мухтасар битиглар XVIII аср ва XIX аср бошларида айниқса рус шеъриятида машҳур бўлган эди. Мухтасар битиглар, одатда, ҳайкаллар, портретлар, китоблар, альбомлар остига битилган қисқа, лўнда маънодор ёзувдир”.¹⁷ Ёднома-битиглар таъзия-некрологлар мазмунини ҳам қамраб олиши айтилади: “Некролог – марҳумнинг хотирасига бағишлаб, унинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ёзилган ёднома”.¹⁸

Тадқиқотда “Қизил Чирадаги битиг тош”, “Кежелик Хўбу битиг тоши”, “Олтинқўлдаги биринчи битиг тош”, “Бегредаги битиг тош”, “Тонюкук отига ёзув”, “Сужадаги битиг тош”, “Элегешдаги битиг тош” ва ҳ.к. таҳлили орқали ёзма обидаларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилади.

Битигларнинг бош белгиси – бирон-бир атоқли киши вафотига бағишланганлигидир. Кейин ана шу хотирасини ёд этиб айтилаётган мунгли, аламли сўзлар қабр тошларига ўйиб битилганлигидир. Яна битигларда ўша кишининг тириклик вақтида кўрсатган жасурлиги, қахрамонлиги, ёрқин фазилати ёки ибратли ишлари таъкидланади.

Ўйлин Кулуғ Тириг ўғлиман

Кулуғ Туғонмен.

Эр одобимдан боқмадим.

Қирқ ёшимда айрилдим.

Қардошим, чўриларим, оҳ, айрилдим.

Сизларимдан, ўз кумуш будуним, оҳ.

Элим, хоним, сизга боқмадим.

Кунни, ойни сезмадим, оҳ.¹⁹

¹⁵ Древнетюркский словарь. – Ленинград: Наука, 1969. - С.103.

¹⁶ Навой асарлари луғати. – Тошкент: 1972. – Б.121.

¹⁷ Квятковский А. Поэтический словарь. – Москва, Советская энциклопедия. 1966. – С.167.

¹⁸ Ҳомидий Х., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. Н.Маллаев таҳрири остида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – Б.132.

¹⁹ Қаюмов А. Қадимият обидалари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б.175-176. (Кейинги мисолларда ушбу нашр саҳифаси матнда кўрсатилади).

“Қизил Чирадаги битиг тош”дан келтирилган парчада сўзлар ахборот-маълумот беришдан ташқари, Кулуғ Туғон кечинмаларини ҳам ифодалаётир.

“Олтинкўлдаги биринчи битиг тош”да унинг яна бир муҳим белгиси кўзга ташланади. Марҳум ўз уруғи (Барс), алп йигитлар қадрдонлари бўлганлигини, Исми Умайбек (“О, бу отимиз Умайбекмиз”), зурриёти баҳодир, ёвқур жангчилар авлодидан (“Биз алп эрлар уйи”) эканлигини айтади. Ўзидан кейин қолаётган элатдошларига панд-насихатлар қилади, йўл-йўриқлар кўрсатади (“Урфларимдан, қизиқишларимдан айрилмангиз”). Аждодларнинг қутлуғ ишларига садоқат, издошлик элатдошларнинг сочилмаслигини, тўзимаслигини таъминлайди (“Ичи олинурми яхши одобимнинг”). Марҳум ўз наслидан, оға-иниларидан ғурур туяди. (“Тўрт ини эдимиз. Иним, оғам юқорилиги учун, Бангимни тика борди”).

Тадқиқотда йиғи-йўқловлар бадий тафаккур тарзи, табиати ва моҳияти билан битигларни юзага келтирган ҳаётий асос бўлганлиги ўрганилди. Ҳар иккиси учун хос муштарак жиҳатлар кузатилди. Яъни уларда марҳумлар хотирасини ёд этиш устувор. Биринчидан, йиғи-йўқловлар ҳам, битиглар ҳам шафқатсиз ҳаёт ҳақиқати, марҳумлар хотираси асосига қурилади. Иккинчидан, марҳумнинг тириклигида эл-юртда орттирган олижаноб ҳислат-фазилатлари, шахсиятини беаган нурли хусусиятлар (жўмардлик, олийҳимматлик, қаҳрамонлик, жасурлик, яхшилик, қўли очиқ-танглик ва ҳ.к.) таъкидланади, улуғланади. Учинчидан, марҳумлар ёруғ ҳислат-хусусиятлари билан авлод-аждодларию фарзандларининг, ҳеш-ақраболарию яқинлари-биродарларининг ёдида яшаб қолиши айтилади. Шу тариқа йўқотиш, айрилиқ, фироқ ўрнида аламли кўнгилларга таскин берилади, сабр-тоқат тиланади.

Бобнинг **“Айрилиқ, фироқ – марсиянинг марҳум қаҳрамон нутқида ифодаланган илк шакллари”** номли иккинчи фаслида халқ шеърляти тарихида ўлим – йўқотиш муносабати билан юзага келган йиғилар, йиғи-йўқловлар алоҳида бир йўналишни ташкил қилади. Агар эътибор берсак, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридаги Алп Эр Тўнга – Афросиёб ўлимига бағишланган марсиялар билан фольклор-даги йиғи-йўқловлар ифода йўсинига ҳамда Ота, Она, Ўғил, Қиз, Келин ва ҳ.к.га аталган шеърлий сатрлардаги таъриф-тавсиф этилган кечинмалар табиатига кўра ҳам фарқланади.

Қабр тошлардаги битигларнинг аксарияти марҳумлар тилидан ёзилган. Нидолари “мен” шаклида ифодаланган. Бу, аслида, бадий бир усул. Тошбитигларда “амти ўлдим” – “энди ўлдим”, “ўғлимни кўрмадим”, “анча сўзладим”, “мен бундай дедим: мен Билка Тонюкук” ва ҳ.к. ифодалар кўп учрайди. Яъни “мен” номидан ёзилган битигларнинг ўқувчига таъсири кучли, онги-шуурида марҳум эмас, тирик одам қиёфаси жонланади. Кўплаб битигларда бадий усул сифатида кўзга ташланган мазкур ифода умумий хусусиятга эга. У Қадимги давр туркийлар шеърлятида алоҳида адабий услуб бўлиб шаклланган, деган фикрни айтишга асос беради.

“Мужидаги битиг тош”, “Борлиқ дарёси ёқасидаги битиг тош”, “Уюк Туран дарёси ёқасидаги битиг тош” сингари ёдномаларда марҳумнинг нутқи орқали ифодаланаётган мазмун, тасвир усуллари ва шакллари марсия табиатига муҳим белгилар олиб кирганлигини кўрамыз.

Уйғур еринда Яғлақарғон ота келдим,
Қирғиз ўғлиман. Бўйла қутлуғ ёрғонман.
Қутлуғ Бобо Тарханнинг уға буйруғиман
Дастим кун чиқишдан кун ботишга етди. (171-бет)

“Сужидаги битиг тош” мазмунидан англашиляптики, марҳум ўзининг мавкеи, туриш-турмуши, давлати ва қурби қанчалик қудратли эканлигини айтяпти. Қўли шунчалар узунки, кун чиқардан кунботаргача етган; молмулки, давлати бисёр. (“Оғилим ўн, йилқим сонсиз эрди. Иним етти, ўғлим уч, қизим уч эрди. Ўғлимни уйладим. Қизимни қалинсиз бердим. Нурбахшим (ўқитувчим)га юз эр, турар-жой бердим. Жиянлар, набиралар кўрдим”... 171-бет). “Энди ўлдим”, дейди у ўз шавкатини ифодалаб бўлгач. Айни шу ҳолатда айрилиқ, фироқ шаклидаги бадий мазмунни бойитаётган яна бир аломатни кўришимиз мумкин. Кўнглига таскин, умид бахш этаётган бир омил бор.

Демак, юқоридаги кузатишлардан қуйидаги умумлаштирувчи хулосага келиш мумкин. Биринчидан, битиглардаги марҳумлар нутқи орқали ифодаланган мангу мунгли кечинмалар, айрилиқ, йўқотиш ҳақидаги ўйлар, фикрлар хилма-хил шаклларда акс этганлигини кўрамыз. Эйтироф, инкор, иқро, муқояса, холис тасвир, ҳаёт хоссаларининг воқеа-ҳодисалар мазмуни билан деталлаштирилган қиёси. (“Тонюкк отига ёзув”, “Билга Қоғон отига ёзилган битигдан парча” ва ҳ.к.). Иккинчидан, марҳумлар нутқидаги ўлим табиатига, воқеа-ҳодисаларга, ўз ўтмиши, оиласи ва фарзандларига муносабат холис ифода тарзини, тасвирлар хилма-хиллигини асослаб берди. Хусусан, аксарият битигларда холис ифода устувор мавқе қасб этганлигини кўрамыз. (“Ўнгин битиг тоши”, “Сужидаги битиг тош”, “Борлиқ дарёси ёқасидаги битиг тош”, “Олтинқўлдаги биринчи битиг тош”, “Бегредаги битиг тош” ва ҳ.к.). Учинчидан, ҳиссий идрок орқали юзага келган туйғулар талқини, ўй-фикрлар кечинмаси айрилиқ, фироқ йўқотиш мазмуни ифодасида асосий мавқени эгаллади. Хусусан, мангу мунг ўткинчи эмас; борлиқ – ёруғлик билан йўқлик – қоронғуликнинг қиёслари ўлимнинг кўргуликларини кўрсатувчи омиллардир. Ўлим – кўргулик. Борлиқ – ёруғлик Кўк тангрининг мулки. Ўлимнинг кўринмас қиёфаси йўқотишлар тасвири орқали бўй кўрсатади (“Уюк Туран дарёси ёқасидаги битиг тош”, “Элегешдаги битиг тош”, “Яна бир тош”, “Қизил Чирадаги битиг тош”, “Кежилик хўбу битиг тоши” ва ҳ.к.).

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Халқ шеърлятида марсия жанрининг шаклий-поэтик ифодаси”** деб номланиб, у икки фаслни ўз ичига олади. **йиғи-йўқловларнинг мавзу доираси, бадийяти (ота, она, ўғил, қиз ва бошқаларга бағишланган)** номли биринчи фаслда халқ шеърляти тарихида ўлим – йўқотиш муносабати билан юзага келган йиғилар, йиғи-йўқловлар

алоҳида бир йўналишни ташкил қилади. Агар эътибор берсак, Махмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридаги Алп Эр Тўнга – Афросиёб ўлимига бағишланган марсиялар билан фольклор-даги йиғи-йўқловлар ифода йўсинига ҳамда Ота, Она, Ўғил, Қиз ва ҳ.к.га аталган шеърый сатрлардаги туйғу-кечинманинг юзага келиш ҳолатидан бошлаб, тадрижий жараёнларни ўз ичига олган фикр қурилиши бир-бирини асло такрорламайди. “Вафот этган кишининг ёши, жинси, оиладаги ўрнига қараб йиғи берилади, – деб ёзади фольклоршунос Музайяна Алавия, – азага келганлар ҳам кўшилиб, “ув” тортади. Ўзининг мусибатини кўшиб, айтиб йиғлайди. Аза кўшиғини ҳар ким билавермайди. Ҳамма айтиб йиғласа ҳам, баъзиларнинг билгани икки-уч кўшиқдан ошмайди. Шунинг учун кўп жойларда биттаси йиғлаб бўлиб, бошқаси ундан кўшиқни олиб йиғласа, йиғичи бўлмаган баъзи жойларда кўпчилик чувиллаб йиғлайди. Навбат билан йиғи берганда, ўлганга қариндошлик муносабати, отаси, онасими, эгачи-синглисими, хотини-эрими, ўғил-қизими – шунга мослаб айтади. Вафот этганларнинг яқинлари йиғи берганда, бирининг йўқлови бошқасиникига ўхшамайди”.²⁰ Кўринадики, йиғичи, йўқловчи, гўянда сингари йиғи берувчилар ўз зиммасидаги вазифани қай даражада бажариши мотам кайфияти ва ҳолатлари билан уйғунликда ўрганилади. Халқ йиғиларининг қадимийлиги, инсон ҳаётида тутган ўрни, марсия хусусиятлари ҳақида фикр юритилади. Дунё – бевафо, умр – бебақо, деган бадийий гоё деярли барча йиғи-йўқловлар мундарижасини ташкил этади.

Демак, биринчидан, йиғи-йўқловлар инсон кўнглини ҳаққоний идрок ва ифода этиши борасида нечоғлик катта имкониятларга эга эканлигидан воқиф бўлади. Йиғи-йўқловларда дунё – инсон – ўлим тўғрисидаги халқона фалсафа, у дунё – охират тўғрисидаги тасаввурлар ўрнини реал воқелик ҳамда инсон тақдирига оид ҳаётий муаммолар эгаллади. Йиғи-йўқловлар маъзини ташкил этган қайғу, ўкинч-мунг кейинчалик ёзма адабиётдаги марсиялар табиатини белгиловчи унсурлардан бири бўлиб қолди. Иккинчидан, ўзбек мумтоз лирикасида марсия жанрининг генезиси халқ маросим кўшиқларидаги йиғиларга, йиғи-йўқловларга бориб туташади. Марсияларнинг образлар таркиби, ички-структура қурилиши, сюжет-композицион бичими сингари бадийий унсурлари йиғи-йўқловлардан ўрганилган, ўзлаштирилган, такомиллаштирилган ҳолда ривожлантирилган. Ота ўлимига бағишлаб айтилган йиғи-йўқловларда Тоғ, Чинор, Офтоб ва ҳ.к. образлар орқали отанинг ҳаётдаги, оиладаги ўрни ва қадри, мавқеи улуғланади. Онага бағишланган йиғи-йўқловларда боғ (“Онам эдилар боғи эрамим”, Онам бор эди эгиз боғдай”), Гулзор, Дарахт (“Тут ёғочдай мевали онам, Қайрағочдай сояли, онам”), Олтин (“Олтин сиёқ меҳрибон онам, Қора бир ерда ётарми”), Ёмғир (“Баҳорнинг ёмғиридай ёғиб ўтган, вой момом”) образлари рамзли маънолари билан Она тимсолини гавдалантиради. Фарзандлар ўлимига атаб айтилган йиғи-йўқловлардаги Қанот (“Учай десам қанотим синган”), Гул (“Эл боғбони бераҳм, Уздинг гулимнинг бошини”),

²⁰ Музайяна Алавия. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. Монография. – Тошкент: Фан, 1974. – Б.141-142.

Ғунча (“Бир ажаб ғунча эдинг, Очилмайин урди ҳазон”), Чироқ (“Қиздан ҳам йўқдир чироғим”), Тирноқ, Чўғ, Юлдуз ва ҳ.к. образлар воситасида бевақт ўлим чангалига илинган фарзандлар доғи-ҳасрати ифодаланади. Мазкур образлар ҳам қиёс, ҳам тимсол вазифасини ўташ баробарида фарзандлар хотирасини кўнгилларда муҳрлашга хизмат қилади. Учинчидан, йиғи-йўқловларда ифодаланган жаҳоний миқёсли дард-изтиробларни теран туйғулар орқали тасвирлаш маданияти ёзма марсияларга асос-мерос бўлиб қолди. Сўнгсиз қайғуни акс эттиришдаги қиёс, мажоз, рамз сингари поэтик ифода усуллари ўзлаштирди, такомиллаштирди. Бу, махвор ўлим сабабларини билишга, табиатини тушунишга интилиш йиғи-йўқловлар орқали марсиялар структурасида ўрнашган бадиий воситалар сирасидан ҳисобланади ва тадқиқ жараёнида ойдинлашди.

Бобнинг “Алп Эр Тўнга марсияси халқ йиғисининг янги ифода тарзи сифатида” номли иккинчи фаслида Қадимги давр туркий шеърлятидаги битигларда марсиянинг янги шакли – айрилиқ, фироқ ўлган қаҳрамон нутқи орқали ифодаланган эди. Энди улардан фарқли ўлароқ Алп Эр Тўнга марсиясида ўлган қаҳрамонга халқ йиғисининг ифодаси етакчи. Ҳаётни тушуниш, дунё шеваларини англаш ва баҳолаш, ўлим ва зулмга муносабат омма манфаатлари, тақдири орқали акс этади. Хусусан, қабр тошлари битигларида марҳумнинг тириклигида кечган ҳаёти лавҳалари, воқеа-ҳодисалар тафсилоти холис тасвир орқали намоён бўлган эди. Яъни эпик ифода шахсий кечинмаларга объектив мазмундорлик бағишлагани ҳолда айрилиқ, фироқ табиатида етакчи ўрин тутган эди. Холис тасвир объектив ҳаёт тасвирини ҳам ўз бағрига сингдирган ҳолда қабр тош битигларига воқеабандлик-эпик мазмундорлик ато этган эди.

Алп Эр Тўнга хотираси ёд этилаётган тўртликларда эса халқ йиғисига ҳаётий, ҳаққоний мазмун бағишлаган туйғу-кечинмалар образли муқоясалари, рамзлари билан марсияларга теран тимсолли ифода маданиятини олиб киряпти. Тўртлик-марсияларда ўкинч, армон, умидсизлик, таскин, аччиқ йиғи-надомат, ожиз тушқунлик ва ҳ.к. рангин кечинмалар бири-бири билан чатишган, бири-иккинчисини тўлдирган ҳолда марсиянинг ифода шакллари хилма-хиллиги, теран мазмундорлигини белгиламоқда.

Алп Эр Тўнга хотирасига бағишланган тўртликлар марсия тарихида алоҳида бир саҳифа очди, жанр такомилида алоҳида босқич бўлиб қолди. Ушбу йўналиш мумтоз лирикамиздаги марсия жанрининг келгуси тараққиётига кучли таъсир кўрсатди. Хусусан, марсиянинг ёзма адабиёт намуналарига кўрсатган ҳаётбахш таъсири самарасида, ҳис-туйғуларнинг ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги реал воқелик мазмуни билан тўйинган ҳолда объектив мазмундорлик касб этди. Алп Эр Тўнга ўлими муносабати билан халқнинг яқдилликдаги руҳий дунёси акс эттириляпти. Ана шу умумхалқ йиғиси, қайғуси орқали ҳаётга, дунё тартибларига, инсон умрининг қадрига назар ташланяпти. Умрининг қисқалиги ва ўткинчилиги, ҳаётнинг шафқатсизлиги ва бебақолиги, зулмнинг адолатсиз ва ноҳақлиги халқнинг ана шу тушқун, маҳзун кайфияти орқали баҳоланяпти. Не афсус ва

надоматки, ўлимнинг ҳақлиги ва аёвсизлиги эртанги кунга бўлган умидсизликни ҳам туғдирипти. Кечган кутлуғ тириклик таскинлари тушкун ҳолатлар билан ўрин алмашиниб туради. Кечинмалар ранги нечоғлик турфа эканлигини тасдиқлаш билан баробар марсия жанрининг эмоционал дунёсини ҳам белгилайди.

Марсияларда халқнинг кўзларида ёш, қалбида эса умид учкунлари. Лаклак замонда бўри билан қўйнинг иттифоқ бўлиб, ахил-иноқликда яшаганлигини ҳеч ким билмайди. Шу боисдан уларнинг қўлни қўлга бериб ҳамжихатликда умргузаронлик қилиши тасаввурга сиғмайди. Олов билан сувнинг қовушганлигига ақл бовар қилмайди. Не ҳайратки, бани одам умид билан тирик. Яхши кунлар умиди, зулмнинг даф бўлишига, ёмон одамлар яхшилик томон ён босишига ишонч ҳисси тириклик зийнатидир.

Ана шу ҳаёт-тириклик коллизияларининг янгича талқини марсия табиатини янгича тушунча ва тасаввурлар билан бойитди. Ўлим – ҳар кимнинг бошидаги бор қисмат. У – ҳаётнинг барҳақ ва мутлак қонуниятларидан бири. Хусусан, тирик жонзот борки, кунларининг охири ўлимга мустаҳик. Ҳали ҳеч ким ўлимдан қочиб, жонини омон сақлаб қололган эмас. Тонгларнинг шоми, гўдакликнинг кексайиши табиий, муқаррар бир жараён экан, умрларни эзгу-рўшноликда кечириш ҳам халқнинг ёруғ умиди ҳисобланади. Негаки, тириклик осмондан оёғини узатиб тушган тасодифий ҳолат эмас. У – Тангри-таолонинг марҳамати. Гўдакликдан кексаликкача бахтли ҳаёт кечирдим дейиш – бу туш каби кечгувчи алдоқчи рўё. (... “Ёрдам қилсин илоҳим, Тарқалмасин аймоғим”, II жилд, 243-бет).

Демак, қадимги марсияларнинг халқ йиғисини ифодалаган намуналарини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосага келиш мумкин: Биринчидан, “Алп Эр Тўнга” марсиясида тасвирдаги ҳиссий идрок халқ йиғисини ифодалашда жанрнинг устувор аломатига айланди. Марсиянинг мазкур хусусияти кейинги тарихий тараққиёт даврларида кўзга ташланган бош аломати бўлиб қолди. Иккинчидан, кечинмалар ҳақидаги, ҳис-туйғуларни уйғотган тириклик омиллари, ҳаёт хоссалари хусусидаги ўйлар-мушоҳадалар мангу мунгнинг табиатини ёрқин намоён қилади. Ҳис-туйғулар манзараси билан объектив воқеликнинг деталлаштирилган хоссалари тасвири яхлит уйғунлик касб этади. Демак, ҳиссий идрок, холис тасвир, теран тафаккур уйғунлиги қайғули кечинмаларнинг реал воқелик билан яхлит бирлигини таъминламоқда. Учинчидан, тақдир ва тириклик шеваларига, дунё тартиблари ва воқеликка, зулм ва ўлимга, ҳаётнинг ўткинчилиги ва умрнинг бебақолиги сингари боқий масалаларга Алп Эр Тўнга фожиаси билан боғлиқ халқ йиғиси орқали назар ташланмоқда. Ана шу мангу мунгга халқ йиғисининг кўзлари билан қаралмоқда, баҳоланмоқда.

“Марсиянинг мумтоз шеърий шаклларда ифодаланиши” номли учинчи бобнинг биринчи фасли **“Таркиббанд-марсия”** деб номланади. Ўзбек мумтоз лирикаси тарихида қадимги туркийлар шеърияти: тош битиглардаги марсия намуналари (айрилик, фирок), халқ шеъриятидаги

йиғилар (ўлган қаҳрамонга халқ йиғисининг ифодаланиши – Алп Эр Тўнгага бағишланган) ҳамда йиғи-йўқловлар (ота, она, ўғил, қиз ва ҳ.к.ларга аталган) ёзма адабиётда муайян анъаналарни вужудга келтирди. Хусусан, ўлим деганда марсия, марсия деганда ўлим назарда тутиладиган бўлиб қолди. Мумтоз лирикамизда шунчалар кўп марсиялар битилдики, ўлим мавзуи марсия жанрининг тимсолига айланди.

Алишер Навоийнинг форс тилида битилган “Марсияи ҳазрати Маҳдум” (“Маҳдум ҳазратлари – Абдурахмон Жомий ҳақида марсия”), дўсти, меҳрибон ғамхўри Саййид Ҳасан Ардашер вафотига бағишланган таркиббандлари ушбу силсилада ёруғ саҳифани ташкил этади. Яна Роқимнинг “Марсияи Авазбек”, “Бординг оламдин Тангридин фармон болам”, “Қаро ер остида сен бўлғали пинҳон, дугоним”, “Улки бор ақлу хушу фаҳми расо”, Нодиранинг Умархон вафоти муносабати билан битган “Бўлди ул фурсатки тарки суҳбати олам тутай” сатри билан бошланган ғазали, “Фарёдки ишқ этти мени ёрға мафтун”, “Нигоримдин айирдинг, эй ажал, фарёд дастингдин” сатрлари билан бошланган мусамман-марсиялари, “Арзим сенга эй жаҳон амири” сатри билан бошланган таркиббанд-марсияси, “Оҳ ким беҳад менго жабру жафо айлар фалак” сатри билан бошланган фироқномаси, “Хатинг иштиёқин савод айладим” сатри билан бошланган таржиббанд-марсияси, “Муҳаббад кунлари меҳри дурахшонимни соғиндим” сатри билан бошланган мусаддас-марсияси, Навоий ғазалига муҳаммас-марсиялари, Жаҳон Ойимнинг “Айрилиқ”, Файзи Бибининг “Яна таҳассур”, “Фарёди ятимона”, Ризвон Бибининг “Марсия”, Моҳзода Бегимнинг “Жаҳона ҳитоб” ғазал-марсиялари, Мулла Йўлдош Хилватийнинг Ҳайруннисо вафотига, Турсунхон ва Абдулхай вафотига, Шайх Абулқосим Латиф вафотига, Абулқосим Латиф эшон хотини Моҳрўя ойим вафотига, Бадалхон вафотига, Тўрам-Нодим вафотига, Муҳйиддин вафотига, Рисолатхонбиби ва бошқалар вафотига, Она вафотига, Хилватий ҳамшираси вафотига, Боқихон вафотига, Моҳрўя ойим вафотига, Лангарий вафотига, Ўғил вафотига ғазал-марсиялари, Таваллонинг “Ёшлардан тараққий қаҳрамони мутаваффий мулло Абдулҳаким мулло Ақром домла ўғиллари марсия”, “Таржимон” газетасин ношир ва муҳаррири мутаваффий Исмоилбек Ғаспринский жанобларининг тарих-вафоти”, “Йиғла миллат қон тўқуб, айлаб наволар йиғлагил”, “Аза ва мотам ҳақинда” асарлари, Ҳазинийнинг “Жаҳони бевафодин охири бир кун кетар бордур”, “Сано айтиб Худоға андалиб сўйи чаман йиғлар” ғазал-марсиялари ҳамда мусаддас-марсиялари турфа шаклларда бой тажриба орттирилганидан далолат беради.

